

# ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЎЗБЕКИСТОН

№ 39 (39), 2020 йил 18 март, чоршанба



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ НОШИРЛИК ВА МАТБАА СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада матбаа ва ноширлик соҳасини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, босма маҳсулотлар бозорини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, матбаа ва ноширлик соҳасида ҳозирги кундаги ишлар аҳоли матбаа ва ноширлик ташкилотлари ўртасида рақобат муҳитини кучайтиришни, муаллифлик ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини чеклаш, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни чоп этиш тартибини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ноширлик ва матбаа соҳасида давлат аралашувини кескин камайтириш, наشريёт ва матбаа соҳасида қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, шунингдек, таълим муассасалари учун сифатли дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар етказилишини таъминлаш мақсадидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик):

2020 йил 1 октябрдан бошлаб республика бюджети маблағлари ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим

муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр этишда (қайта нашр этишда) нархларни давлат томонидан тартибга солишни (рентабелликнинг чекланган даражасини белгилаш) бекор қилиш;

2020 йил 1 июлдан бошлаб ноширлик фаолиятини лицензиялаш ҳамда матбаа фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартибларини бекор қилиб, ноширлик ва матбаа фаолиятини бошлаганлиги ҳақида ваколатли давлат органини хабардор этиш тизимини жорий қилиш;

2021 йил 1 январдан бошлаб ноширлик ва матбаа корхоналарининг босма маҳсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумдан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" фондида ажратмаларни бекор қилиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ноширлик ва матбаа корхоналари, шу жумладан, давлат бюромасини бажарувчи корхоналар нархни шакллантириш сиёсатини бозор механизмлари асосида эркин шакллантиради;

Юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга, тинчлик ва осойишталикни, барқарорликни сақлашга, халқимиз фаровонлигини таъминлашга давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Шунингдек, шахримиз, қишлоғимиз, маҳалламиз тинчлиги ва осойишталиги асоси бўлган маҳалла-оила-таълим муассасаси ҳамкорлигини янги даражага олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президенти қарори билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши шу йўлдаги яна бир эзгу қадам бўлди.

Янги вазирлик ташкил этилиши билан Ички ишлар вазирлигига ҳам бир қатор вазифалар юклатилди, талаблар кучайтирилди. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат БОБОЖОНОВ билан суҳбатимиз ана шу ўзгаришлар, келгусидаги вазифалар тўғрисида бўлди.



## ОИЛА ВА МАҲАЛЛАДА ОСОЙИШТАЛИК БЎЛСА, ЮРТ ТИНЧ, МАМЛАКАТ ФАРОВОН БЎЛАДИ

— Пўлат Раззоқович, жамиятда тинчлик-осойишталикни таъминлашда маҳалланинг алоҳида ўрни бор. Янги Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши Ички ишлар вазирлиги зиммасига қандай вазифаларни юклайди?

— Давлатимиз раҳбари жамиятда тинчлик-осойишталикни асраш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш билан бирга, ушбу тузилмаларнинг яқин ҳамкорликда фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилади.

Давоми 2-бетда

### ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## "ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ – ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ"

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармонида Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жараёнини оммавий ахборот воситаларида ҳолис ёритиш, кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш ва тарғиб қилиш назарда тутилган.

"Янги Ўзбекистон" — "Правда Востока" газеталари бирлашган таҳририяти Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг амалий натижаларини кенг ёритиш ва тарғиб қилиш мақсадидан "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт — тараққиёт асоси" мавзусида кенг жамоатчилик ўртасида энг яхши мақолалар танловини эълон қилади.

Танловда журналистлар, шунингдек, олимлар, экспертлар, шoir-ёзувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари таҳлилий мақолалари, журналистик материаллари билан иштирок этиши мумкин.

### ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга юборилаётган материалларда Давлат дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича белгилаб берилган вазифалар, чора-тадбирлар натижадорлиги чуқур таҳлил этилиши, ҳолис ва тезкор ёритилиши лозим:

● Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида белгилаб берилган ишларнинг амалий натижалари;

● Қўнун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида йил давомида амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги;

● Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида олиб борилётган амалий ишлар натижалари;

● Ижтимоий ривожланиш соҳасидаги қилинган ишларнинг натижалари;

● Хавфсизлик, миллатларaro тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги ишлар таҳлилий кенг ёритилишига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

### ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА МУКОФОТЛАШ

Танловга тақдим этилган мақолалар таниқли журналистлар, экспертлар ва мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади ҳамда ғолиблар аниқланади.

Танлов ғолиблари "Янги Ўзбекистон" — "Правда Востока" газеталари бирлашган таҳририяти томонидан куйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

- 1 та 1-ўрин – замонавий компьютер жамланмаси;
- 2 та 2-ўрин – ноутбук компютери;
- 3 та 3-ўрин – замонавий телевизор.

Шунингдек, Давлат дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича рағбатлантирувчи ўринлар ҳам аниқланади ва қимматбаҳо соғалар билан тақдирланади.

Танлов натижалари жорий йилнинг охиригун кунлигида аниқланади ва эълон қилинади.

Танловга материалларни Бирлашган таҳририят манзилига почта, электрон почта ёки телеграм канали орқали йўллашнинг мумкин.

### ҚҮЙИДАГИ ҲУҶЖАТЛАР ИЛОВА ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ:

- муаллифнинг паспорти нусхаси (ИНН, ИНПС нусхалари);
  - муаллифнинг боғланиш учун телефонлари.
- Танловга келган энг сара материаллар "ТАНЛОВГА" рунки остида "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталарида эълон қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: (100029), Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Электрон манзил: E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 мартда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурини амалга оширишга доир кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ҳар томонлама муҳокама этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари ва маспахатчилари, Олий Мажлиси Сенати ва Қўнунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда республика ҳудудлари ҳокимликлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва унга иловада белгиланган, мамлакат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган 284 та

топшириқдан иборат серкирра вазифаларни амалга ошириш бўйича амалий масалалар ҳамда аниқ чора-тадбирлар иштирокчилар диққат марказида бўлди. Дастурни амалга ошириш учун молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 18,2 трлн. сўм ва 10,3 млрд. доллар микдорида маблаг йўналтириш назарда тутилган.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокама давомида асосий эътиборни Давлат дастурининг ҳар бир бўлими ва бандини амалга оширишга доир аниқ таклифлар, амалий механизмлар, муддатлар ҳамда масъул ижрочиларга қаратдилар.

Давоми 3-бетда

### РЕЙТИНГ

## ЎЗБЕКИСТОН "ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК" ИНДЕКСИДА 26 ПОҒОНА КЎТАРИЛДИ

АҚШнинг The Heritage Foundation ташкилоти томонидан юритиладиган "Иқтисодий эркинлик" индексининг 2020 йил учун ҳисоботида Ўзбекистон 57,2 балл билан 114-ўринни эгаллади. Мамлакатимиз ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 26 поғона юқорилаб, МДҲга аъзо мамлакатлар орасида энг жадал ўсишни қайд этди.

Молия вазирлиги хабарига кўра, мажбурий индекс хорижий инвесторлар томонидан доимий равишда кузатилиб борилади ва республиканинг индексдаги ўрни юқорилаши тадбиркорлик муҳитига ижобий таъсир кўрсатиб, тўғридан-тўғри инвестициялар оқими ошишига хизмат қилади.

"Иқтисодий эркинлик" индекси тўртта асосий йўналиш бўйича 12 та таркибий кўрсаткичдан ташкил топган бўлиб, Ўзбекистон инвестициялар эркинлиги бўйича 20,0 балл (+10 балл), молиявий эркинликда 20,0 балл (+10 балл), мулкчилик ҳуқуқи бўйича 59,1 балл (+9,3 балл) натижага эришган. Таҳлиллар суд фаолияти сама-

радорлиги, фискал саломатлиги, бизнес, монетар ва меҳнат бозори эркинликларини бўйича ҳали кўп ишлар қилиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

The Heritage Foundation иқтисодий таҳлил маркази томонидан 180 та давлатнинг "Иқтисодий эркинлик" индекси 1995 йилдан буён эълон қилиниб келинади.

## МУНОСИБ АМАЛ ВА ЭЗГУ НИЯТ



Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида буюк аллома Баҳроуддин Нақшбанд бобомизнинг 700 йиллик таваллуд айёмини юқори савияда ўтказиш лозимлигини таъкидлади.

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

Сўнги маълумотларга қараганда, Ўзбекистоннинг Дубайдан келган фуқаросида ҳам коронавирус инфекцияси тасдиқланди. Айни пайтга келиб, яъни 2020 йил 17 март соат 21:00 ҳолатига кўра, ушбу инфекция аниқланган беморлар сони 11 нафарга етди. Беморларнинг аҳоли ҳозирча қонқарли бўлиб, шифокорлар томонидан стандартлар асосида даволаш муолажалари қўлланилмоқда.

Инфекция тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида олиб борилётган эпидемиологик суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

6









